



Онахон ЖАББОРОВА,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Бошлангич таълим методикаси кафедраси мудири
E-mail: o.jabborova@cspi.uz

педагогика фанлари доктори, профессор Ш.К. Марданов тақризи асосида

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИНинг ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРИ: УШИНСКИЙ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Аннотация

Ўзбекистонда бошлангич таълимни сифат даражасини юксалтириш ва бу борада мақбул тажрибаларга асосланниш жараёни кечмоқда. Мазкур мақолада бошлангич таълим методикасининг хорижий тажрибаси Россия бошлангич таълими мисолида ва К.Д.Ушинский методологияси асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: бошлангич, таълим, методика, хориж, тажриба, Ушинский, методология, билим, кўнікма.

ОПЫТЪ ЗАРУБЕЖНОЕ МЕТОДИКА НАЧАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: МЕТОДОЛОГИЯ УШИНСКОГО

Аннотация

В Узбекистане идёт развития начальное образование в условиях инновационный развитие страны. В статьей проанализирован зарубежный опыт по методики начальной образование на примере Российского начальной образования и на основание методологии К.Д.Ушинского.

Ключевые слова: начальное, образование, методика, зарубежные, опыт, Ушинский, методология, знание, навыка.

FOREIGN EXPERIENCES OF PRIMARY EDUCATION METHODOLOGY: USHINSKY METHODOLOGY

Annotation

Uzbekistan is in the process of improving the quality of primary education and building the best practices. This article analyzes the foreign experience of methods in primary education on the example of Russian primary education and the methodology of K.D. Ushinsky.

Key words: elementary, education, methodology, foreign, experience, Ushinsky, methodology, knowledge, skills.

Кириш. Ўзбекистон бошлангич таълимини сифат жиҳатидан ривожлантириш ва унда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини юксалтириш мугим вазифалардан хисобланади. Бунинг учун бошлангич таълим методикасини ривожлантириш ва унда хорижий тажрибалардан фойдаланиш долзарб бўлиб туриди. Мамлакатимиз бошлангич таълим методикасини ривожлантиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларини изчил ўрганиб бориш кенг имкониятларни беради. Шу маънода бу ўринда эътиборингизни К.Д.Ушинский методологияси мисолида бошлангич таълимнинг Россия методикаси тажрибаси таҳлилига тортамиз.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (*Literature review*). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида таълим тизимига, жумладан, бошлангич таълим боскичига хорижий мамлакатларнинг ўзига хос тажрибаларини тадбик этиш вазифаси кўйилган[1]. Мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш доирасида биз Америка, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия ва Россиянинг бошлангич таълим методикаси бўйича тажрибаларига доир мақолалар нашр этишни ният қилдик. Бу ўринда бошлангич таълим методикаси бўйича Россия Федерациясининг тажрибасига машҳур рус мутафаккир педагоги Константин Дмитреевич Ушинскийнинг методологияси асосида эътиборингизни тортамиз.

К.Д.Ушинский XIX асрнинг дунё бўйича энг машҳур педагогларидан бири. Унинг бошлангич таълим методикаси бўйича асарлари юз йилдан ортиқ давр

давосида ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда[2]. Жумладан, у “Ижтимоий тарбияда ҳалқ руҳи ҳакида” номли асарида бошлангич таълимда қуйидаги методология асосида таълим-тарбия жараёнини амалга оширишни асослаб берган:

1) бошлангич таълимда Она тили асосида миллий руҳда таълим ва тарбия жараёнини йўлга кўйиш бола шахсининг ҳар томонлама етук ривожланишини таъминлайди;

2) бошлангич таълимда хорижий тил ўқитилиши керак, бироқ у Она тилидан устувор бўлмаслиги керак ва Ушинский бошлангич таълимда хорижий тил қиска ҳамда муддатли машгулотлар воситасида ўтилишини тавсия этади;

3) Ушинскийнинг методологиясига кўра, бошлангич таълим ўқувчилари кўп ҳолларда асосий тушунча ва қарашларни оилада ўзлаштиради, шу сабабли педагогик олим оила ҳамда бошлангич таълимнинг методик жиҳатдан бирлигига эришишни асослаб берган;

4) бошлангич таълимда ва тарбияда ҳалқ руҳи деганда Ушинский ҳалкнинг асрлар давомида ривожланиб келган миллий кадриятларини назарда тутади.

Эътибор берилса, педагог олим бошлангич таълим ва тарбияни ташкил этишда миллийлик тарафдори бўлган. Шу сабабли унинг бу методологияси дунёнинг деярли барча мамлакатлари бошлангич таълим тизимида қабул килинган[3].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Ушинскийнинг яна бир муҳим асари “Бошлангич таълим методикаси”дир. У бу асарида бошлангич таълимда энг асосий ўқув фанларини асослаб берган ва бу ўқув фанлари кўйидагилардан иборат:

Она тили;
Элементар математика;
Дастлабки табиатшунослик;
Мусиқа;
Санъат (тасвирий санъат, меҳнат ва ижод (бадиий болалар адабиёти)).

Диккат қилинса, бундан юз йигирма йил муқаддам Ушинский бошлангич таълимда ўқитиладиган энг асосий фанларни илмий, назарий ва методологик жиҳатдан асослаб берган. Яна таъкидлаб ўтиш жоизки, у тавсия этган мазкур ўкув фанлари деярли дунёнинг барча мамлакатлари бошлангич таълимида қабул килинган.

Ушинскийнинг бошлангич таълим методикаси бўйича қарашлари Россия бошлангич таълимининг тажрибасини ўзида тўлиқ ифодалайди. Шу сабабли Россиялик педагог олимлар XX асрда унинг методологик ёндашувларини илмий жиҳатдан ривожлантиридилар ва олимнинг методикасини олий педагогик таълим жараёнига тадбик этилди.

Бошлангич таълим методикаси бўйича Россиянинг тажрибаси Ушинскийнинг методологияси асосида таркиб топган. Шу сабабли бу ўринда Ушинскийнинг бошлангич таълим методологиясининг қуидаги мухим жиҳатларини таъкидлаб ўтиш жоиз:

а) педагог олимнинг бошлангич таълим методикасида мазкур боскич ўкувчиларининг жисмоний, ақлий ва руҳий имкониятлари жуда аниқ белгилаб берилган, бу таълим олувчилар нималарни қабул киласи ҳамда нималарни қабул қилмайди масалалари олим томонидан таҳлил килиб ўтилган;

б) педагогнинг бошлангич таълим методикаси болапарварлик тамойилига амал қилиши билан ажralиб туради, унга кўра, бошлангич таълим олувчиларининг дунёкараши, онги ҳамда аҳлоқи табиий равишда шакллантирилиши керак, бунда муайян гоя ёки ёндашувни зўрлаб сингдиришни олим кескин танқид киласи;

в) бошлангич таълимни амалга оширувчи ўқитувчилар ва мураббийларга педагог олим қалби поклик, қалби юмшоклик ва ўзининг манфаатларини устун қўймаслик талабарини қўяди;

г) педагог олимнинг тавсиясига кўра, бошлангич таълим жараёнига мазкур таълим боскичи хусусиятларидан беҳбар шахсларнинг аралашуви мумкин эмас.

Бундай ўзига хос методология тез орада XIX асрдаёк бутун дунё бўйича эътироф этилди. Чунки педагог олим бундай методологияни ишлаб чиқишида ўз давридаги Европа мамлакатлари ва Шимолий Америка (АҚШ-О.Ж.) бошлангич таълими асосларини жуда чуқур ўрганган эди. У бу борада маҳсус ёзилган асарларида мазкур мамлакатларнинг бошлангич таълимидағи манфаатли ёндашув, ўкув фанларининг кўпайиб кетганлиги ва таълим бу босқичида фаолият юритадиган ўқитувчи-мураббийларнинг маҳорати ҳамда ёндашувлари эскириб кетганлигини танқид килиб ўтган[2]. Шу тариқа бизнинг ёндашувимизга кўра, ҳозирги замон миллий бошлангич таълим методикасини янада ривожлантиришда Ушинскийнинг ҳалқаро миқёсда эътироф этилган методологиясига яна бир бор назар ташлаш мақсадга мувоғиқ бўлади. Бунда қуидагиларга амал қилиш кутилган самарани беради:

а) бошлангич таълимда миллий руҳга асосланган таълим ва тарбия жараёнини кучайтириш;

б) бошлангич таълимнинг ўкув фанлари миқдори кўпайиб кетмаслиги олдини олиш ва таянч таълимда амалга ошириладиган таълим ҳамда тарбия жараённи асосларини бошлангич таълимда умумлаштирилган ҳолда ўқитиш;

в) бошлангич таълимда амалга оширадиган ўқитувчиларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Миллий малакалар рамкаси талабларига қатъий амал килиш[4] ва бунинг учун Ушинский тавсия этган методик ёндашувларга таяниш;

г) Ушинский каби мутафаккир педагогларнинг бошлангич таълим методикасига доир ёндашувларини янгидан кашф этиши.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз бошлангич таълим методикасини ҳалқаро тажрибалар асосида ривожлантириши ва мазкур жараённи бугунги кун талаблари асосида амалга ошириш имконини беради.

Бошлангич таълим методикасига хорижий тажрибалари жуда яхши йўналишлар, воситалар ва методларни беради. Шу сабабли бундай тажрибаларни изчил ўрганиб бориш такозо этилади.

Олий педагогик таълим жараёнда бошлангич таълим методикаси бўйича Россия Федерацияси тажрибасидан фойдаланиш учун қуидагиларга амал килиш кутилган самарани беришини таъкидлаб ўтиш жоиз:

Ушинский каби Россиялик педагог олимларнинг бошлангич таълим методологияси бўйича асарларини ўрганиш ва тадқиқ этиш;

олий педагогик таълим жараёнда вебинар таълимнинг имкониятларига таяниш;

Ўзбекистонлик ва Россиялик бошлангич таълим ўқитувчиларининг ўзаро стажировка ҳамда тажриба алмашишларини йўлга кўйиш;

мазкур соҳада эришилган муваффакиятларни оммавийлаштириб бориш.

Бундай ёндашув бошлангич таълим методикаси бўйича Россия тажрибасини ўрганиш ва миллий тажрибамизни оммалаштириш имкониятларини беради. Шу сабабли Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Бошлангич таълим методикаси” кафедраси томонидан бошлангич таълим методологияси бўйича хорижий тажрибаларни чуқур ўрганиш йўлга кўйилмоқда. Бу борада кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабалари “Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораториясида янги тадқиқотларни яратиш белгиланмоқда[5].

К.Д.Ушинскийнинг бундай ўзига хос методикани ишлаб чиқишига сабаб у ўз даврида Европа мамлакатлари бўйилаб сафар килиб, уларнинг таълим тизимини чуқур ўрганган. Бунда у қуидаги мамлакатларнинг таълим тизими ва уларнинг хусусиятларини кўрсатиб берган:

1) Германия таълим тизими. Бу мамлакатнинг таълимида Ушинскийнинг таъкидлашича, билимларни кенг бериш устувор масала ҳисобланади. Педагог олим билимларни кенг беришини кўллаб-куватлайди ва айни пайтда, шахснинг билимларнинг ўзлаштириши қийин кечишини кўрсатиб беради. Билимларнинг кенг берилиши олмонларнинг фалсафий фикр юритишига олиб келган, деб кўрсатади Ушинский. Шу сабабли унинг фикрича, Германия таълим тизимидан билимлар мажмунини бериш тажрибасини ўзлаштириш билан чекланиш лозим.

2) Буюк Британия таълим тизими. Ушинскийнинг умумий фикрига кўра, Буюк Британия таълим тизимидан аклини ривожлантиришга устувор даражада эътибор берилади. Унга кўра, мамлакат таълим тизимидан аниқ ва табиий фанларнинг чукурлаштириб ўқитилишига амал қилиб келинмоқда. Айниқса, Буюк Британияликлар дунё мамлакатларнинг иктисодий имкониятларига жуда кизиқишиади. Шу сабабли инглизлар таълим тизимини иктисодиётнинг негизи сифатида қабул килган. Бу ўринда Ушинский шахсни тадбиркорлик руҳида тарбиялаш концептини қабул қилишини тавсия этади.

3) Шведцария таълим тизими. Бу мамлакат таълимида денгизшунослик ва қуруқлик имкониятларини

чукур ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Ушинскийнинг фикрича, Шверцария таълим тизими дунё мамлакатларига сув транспортини ривожлантириш ва унинг воситасида кенг ҳамкорлик қилиш имкониятини берган. Айни пайтда мазкур мамлакат таълим тизимида аниқ фанларнинг чукурлаштириб ўқитилишига дуч келинади. Шу сабабли Ушинский мазкур мамлакатнинг сув транспорти таълими тажрибаларини ўзлаштириш мумкинлигини таъкидлайди.

4) Италия таълим тизими. Ушинский Италия таълим тизимини Аристотел ва Платоннинг мактаби хосиласи сифатида қарайди. Унга кўра, таълим тизимида фалсафий ёндашув ва ахлокий муносабатларни тўғри шакллантириш устувор ҳисобланади. Педагог олим ҳар бир италян кишиси хаётдан мазмун излайди, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, айнан Италиянинг таълим тизими ҳаётлиги билан аҳамиятга эга.

Умуман Ушинскийнинг бу кузатишлари ва методологик тавсиялари бутунги кунда ҳам аҳамиятини ўйқотган эмас.

К.Д.Ушинскийнинг энг буюк ҳизмати шундаки, юкорида таъкидланганидек, дунё мамлакатлари ва ҳалқларига таълим тизимини Она тили асосида куриш методикасини тақдим қилди. Бу методика мазмунига кўра, ҳар бир миллый таълим тизими Она тили концептика асосан ташкил этилиши керак ва шунда таълим олаётган шахснинг руҳи, акли ва эстетик туйгуларини тўғри ривожлантириш имкониятига эга бўлинади. Педагог олимнинг асосий эътибори шахсни миллый руҳда тарбиялашга қаратилган. Унга кўра, ҳар бир ёш авлод ўз ҳалқининг миллый руҳини ўзлаштириши керак ва бу ҳол шахснинг умуминсоний руҳда вояга етишига салбий таъсир килмайди. Ушинскийнинг методига кўра, агар шахс миллый руҳда тарбияланса, унинг онгида умуминсонийлик таркиб топади. Шу сабабли педагог олим ўз даврида амалда бўлиб келаётган умумийинсонийликдан миллийликка тамоилини танқид килиб, унинг ўрнига миллийликдан умуминсонийликка тамоилини тақдим этади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ушинский методологиясига амал килган Россия таълим тизими дунё мамлакатлари ичидаги энг мақбул тизимлардан бирига айланди. Айниқса, бу борада бошлангич таълим

методикасини ва унинг ўзига хос тизимини айнан Россия таълим тизими дунёга тақдим қилди. Бу методикага кўра, ҳар бир шахс ўқиши, ёзиши, чизиши ва ҳисоблаш кўнинмаларини эгаллаши билан саводхон ҳисобланади. Ҳозирги замон дунё мамлакатларида барча шахс бошлангич таълим билан қамраб олинган ва бунда айнан Ушинский томонидан тақдим этилган бошлангич таълим методикаси устувор даражада қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистон бошлангич талим методикаси учун Ушинский методологиясидан фойдаланиш ва бунда Россия бошлангич таълим тажрибаларини ўзлаштириш имкониятлари мавжуд. Умуман бизнинг ёндашувимизга кўра, миллый бошлангич таълим методикамизни ривожлантириш учун ҳар қандай мамлакатнинг тажрибаларидан оқилюна фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли олий педагогик таълим жараёнда хорижий мамлакатларнинг бошлангич таълим методикаси тажрибаларини изчил ўрганиш ва талабаларни мазкур йўналиш бўйича изланишларга жалб этиш кутилган самарани беради. Бугунги дунёнинг таълим тизими ўзаро ҳамкорлик, ўзаро тажриба алмашиб ва ўзаро миллый тажрибаларни тарғибот қилиш ҳисобига ривожланниб бораётганлигини унтиб бўлмайди. Шу сабабли биз хорижий мамлакатларнинг бошлангич таълим методикасини чукурлаштирилган тарзда ўрганиш тарафдоримиз.

Шундай қилиб бошлангич таълим методикаси бўйича хорижий тажрибалар орасида Россия тажрибаси ва бунда Ушинскийнинг миллый хусусиятларга эга методологияси мухим ўрин тутади.

Хулоса ва таклифлар: Россия Федерациясида мавжуд бўлган бошлангич таълим методикаси салкам икки асрлик тажрибага эга. Бу тажрибага машҳур рус олими К.Д.Ушинский томонидан тамал тоши кўйилган. Педагог олимнинг Россия бошлангич таълим методикасига кўрсатган таъсирини ўрганиш ва унинг методологиясидан фойдаланиш тавсия этилади. Чунки Ушинский методологияси жаҳон педагог олимлари томонидан эътироф этилган методика ҳисобланади. Бу борада илмий-тадқиқот ишларини давом этириш мақсадга мувофиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони. // www.ziyonet.uz
2. Ушинский К.Д. Танланган педагогик асарлар. –Тошкент, 1959.
3. Бардовская Н., Реян А. Педагогика. –Санкт Петербург, 2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Миллый малакалар рамкаси. // www.ziyonet.uz.
5. Жабборова О.М. “Келажак ўқитувчиси” илмий-тадқиқот лабораторияси ва унинг фаолияти. // Экономика и социум, №8 (87) 2021.